

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Раҳманов А.Э. – ф.ф.н.(ТерДУ)

Аннотация: Мақолада ҳозирги глобаллашув жараёнлари, унинг таркибий йўналишларидан бири иқтисодий глобаллашувнинг моҳияти ва бундай шароитда мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг баъзи масалалари таҳлил қилинган.

Ҳозирги даврда инсоният тараққиёти ва жамият ҳаётининг жаҳон миқёсида интеграциялашуви натижасида “глобаллашув” жараёнлари юз бермоқда. Бу жараён мутлақо янги хўжалик-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда. Глобаллашув (глобализация) – латинча “glob” сўзидан олинган бўлиб, айнан уни “думалоқлашув”, “қурралашув” деб таржима қилиш мумкин. Глобал атамаси латин тилида “globus” – Ер шари ва француз тилида “global” – умумий маъноларини билдиради. Демак, глобаллашув тушунчаси ана шу икки маънода ҳам бевосита инсоният ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ бўлган “сайёравий”, “дунёвий” жараёнлар ва муаммоларни, глобал ривожланиш истиқболларини ўзига қамраб олади. Глобаллашув атамаси дастлаб 1960 йил Э.Гиддинс томонидан қўлланилган¹ бўлсада XX асрнинг 90-йилларигача деярли фойдаланилмаган. 1985 йилга келиб америкалик социолог Р.Робертсон “глобализация” атамасига таъриф берган². Бу тушунчанинг истилоҳий маъноси шундаки, глобаллашув – жаҳон хўжалиги ривожланишининг объектив жараёни бўлиб, жуда кўп ижобий хусусиятларга эгадир: булар асосан турли мамлакатлар хўжалигининг ўзаро алоқаси, хорижий сармояларни жалб қилиш, илм-фан, техника, технология ютуқлари алмашувининг тезлашуви ҳамда давлатларнинг илмий-техникавий тараққиётига кўмаклашув билан изоҳланади. Глобаллашув – бу бутунжаҳон иқтисодий, сиёсий, маданий интеграция ва унификациялашув (бир-бирига яқинлашув) жараёнидир. Асосий хусусиятлари халқаро меҳнат тақсимооти, капитал, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш ресурсларининг эркин ҳаракати, қонунчилик, иқтисодий ва технологик жараёнларни стандартлаштириш, шунингдек, турли мамлакатлар маданиятининг кўшилиши ва яқинлашувидир. Бу объектив жараён бўлиб жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи тизимли хусусиятга эга. Зеро биз, А.Тойнби таъбири билан айтганда, инсоният “умумий уй”, “умумий тақдир” ва умумий ташвишлар билан яшашга киришаётган³, бир сўз билан айтганда глобаллашув деб аталаётган жараёнлар содир бўлаётган замонда яшамокдамиз. Ваҳоланки,

¹ Шахрай С.М. Глобализация в современном мире: политико-правовые аспекты. -СПб: Фонд поддержки науки и образования в области правоохранительной деятельности.- «Университет»,2004,С.6.

² Что такая глобализация? По сайту <http://www.univer.omsk.su/omsk/socstuds/glob/index.html>

³ Глобализация ru.wikipedia.org сайтидан олинб таржима қилинган (таржима Усманов М.)

глобаллашув яхлит жараёнларни қамраб олар экан, А.Очилдиевнинг таъкидлашича, “...энг умумий маънода, глобаллашув, бир томондан, муайян ҳодиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун Ер юзини қамраб олганини, иккинчи томондан, уларнинг инсоният тақдирига даҳлдор эканини англатади”⁴.

2006 йилда глобаллашув жараёни ва унинг турли соҳаларга ўтказётган таъсирини аниқлашга бағишланган жаҳоннинг етакчи олимлари ҳамкорлигида “Глобалистика: международный междисциплинарный энциклопедический словарь” тайёрланиб эълон қилинди. Унда глобаллашув тушунчасига олимлар турлича таъриф берганлар ва унинг таъсир доирасини аниқлашга уринганлар. Аксарият олимлар глобаллашувни жамият ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлаётган интеграциялашувнинг натижаси сифатидаги объектив тарихий жараён деб ҳисоблайдилар. Глобаллашув жараёнининг ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганлигини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов шундай таъкидлайди: “...шунини объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”⁵. Бу борада рус тадқиқотчиси А.Чумаковнинг “Глобаллашув ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларининг, маънавий, қадриятлар, дунёқараш йўналишларининг универсаллашувига олиб келиши билан бирга, анъанавийлик, ўзига хослик ва маданий хилма-хилликни сақлашни истисно қилмайди”⁶, деган эътирофлари диққатга сазовордир.

Глобаллашувнинг таркибий йўналишларидан бири иқтисодий жараёнларнинг глобаллашувидир. Бу, биринчидан, миллий хўжаликларнинг ўз мамлакатлари чегараларига сиғмай бошқа мамлакатлар хўжалиги билан интеграцияга киришгани натижасида товарлар оқими тезлашиб инвестициялар киритишга шароит қулай бўлиб, мамлакат ривожланиши учун қўшимча йўл очилади. Иккинчидан, савдо эҳтиёжи бу жараёни тезлаштиришга туртки бўладики, бу мақсадда ҳатто Жаҳон савдо ташкилоти ҳам таъсис этилган. Учинчидан, табиий ресурсларнинг нотекис жойлашганлиги зарур хом-ашёга эга бўлишга ундайди. Тўртинчидан, меҳнат тақсимоти устунликларидан, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлигидан фойдаланиб олдинга ўтиб олиш имконияти мавжуд бўлади. Бешинчидан, ҳарбий ва бошқа соҳалар эҳтиёжлари глобал алоқага эга бўлишга ундайдики, бу транспорт, шунингдек, коммуникациянинг бошқа воситаларини жиддий ривожлантиришни талаб этади. Олтинчидан, аҳоли миграцияси жараёнларини бошқариш зарурияти янги қадамлар ташлашни шарт қилиб қўяди ва ҳ.к. Иқтисодий глобаллашувнинг ҳаракатлантирувчи

⁴ Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар.- Т.: Мухаррир нашриёти, 2009, 64-б.

⁵ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008, 111-б.

⁶ Чумаков А.Н. Глобализация: контуры целостного мира.- М.: Проспект, 2005, с.259.

кучларига жаҳон иқтисодиёти доирасида куч тўплаётган капиталнинг жамланиши ва марказлашишини, хўжалик ҳаётининг трансмиллийлаштирилиши – йирик трансмиллий компаниялар ва молиявий гуруҳларнинг ўсиши ва ривожланишини киритиш мумкин. Замонавий глобаллашув жараёнларига нафақат миллий бозорларда, шунингдек, жаҳон миқёсидаги бозорларда ҳам глобаллашувни рағбатлантирадиган бозор рақобати каби бақувват куч катта таъсир кўрсатади. Рақобатнинг асосий воситаси – харажатларни камайтириш, товар ва хизматлар сифатини ошириш, уларнинг турларини кенгайтириш глобаллаштиришнинг мотори ҳисобланади. Глобаллаштиришнинг яна бир ҳаракатлантирувчи кучи илмий-техникавий тараққиётнинг, технологик инновацияларнинг ривожланиши бўлиб, у транспорт ва алоқани, ахборот ва телекоммуникация тармоқларини модификация қилишда янада яққол намоён бўлади, товар ва хизматлар, молиявий воситалар, ғоя ва ахборот маҳсулотларини чегаравий транспорт воситаларига тез ва кам харажат билан жойлаштириш учун кутилмаган имкониятларни яратади. Америкалик иқтисодий муносабатлар тадқиқотчиси Ж.Гаррет жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг қуйидаги уч асосий механизмини ажратиб кўрсатади: 1)жаҳон савдосида ўсиб бораётган рақобат; 2)ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш қувватларини бошқа мамлакатларга жойлаштириш ҳисобига шахсий даромадларини оширишга интилишлари натижасида ишлаб чиқаришнинг кўп миллатли характерини ўрнатиш; 3)молиявий бозорларнинг халқаро интеграцияси.

Глобаллаштиришнинг ҳаракатлантирувчи кучлари бу жараёнларнинг аниқ омилларида мужассамлашади. Жаҳон иқтисодиётини глобаллаштириш жараёнларининг юзага келиши ва эволюциясига таъсир кўрсатувчи асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатлараро ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг қатъий кучайиши;
- тайёр маҳсулотларни мамлакатлараро алмаштириш улуши ошаётган, аграр хом-ашё товарларини алмаштириш эса халқаро савдони янада кўпайтираётган бир вақтда халқаро меҳнат тақсимотининг янги сифати шаклланиши, ички тармоқ савдоси солиштирма оғирлигининг ошиши;
- халқаро молиявий бозор миллий сегментлараро алоқаларнинг ва янада интеграциялашган глобал молиявий бозор шаклланишининг кучайиши;
- хўжалик ҳаётининг хусусий ва умумий субъектларига эга бўлган турли мамлакатлардаги ҳудудий тармоқ хўжалик субъектлари ўртасида доимий алоқаларни қуллаб-қувватлаш учун шароит яратадиган ахборот ва телекоммуникация инқилоби;
- кучли технологик ва молиявий ресурсларга эга бўлган, бутун дунёда ишлаб чиқариш ва бошқа бўлинма ҳамда бўлимларни жойлаштириш ва шу туфайли маҳаллий рақобатдош афзалликлардан фойдаланиш самарадорлигига эришиш имконини берувчи трансмиллий корпорациялар фаолият доирасини глобал равишда кенгайтириш;
- ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларни халқаро савдога жалб қилишнинг, халқаро кредитлаштириш ва инвестрлаштиришнинг, халқаро меҳнат миграциясининг ошиб бориши ва ҳ.к.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларини қуйидагиларда кўриш мумкин: халқаро капитал бозорлари ҳамда инфраструктуранинг ривожланганлигида, глобал телекоммуникация тизимининг шаклланганлигида, трансмиллий корпорацияларнинг юқори суръатда ўсганлиги, кичик ва ўрта корхоналарнинг ишлаб чиқариши, иқтисодий ва инвестицион фаолияти билан боғлиқ бўлган интеграциялашган миллий корпоратив структурасининг ташкил топишини келтириш мумкин. Шу билан бирга, Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ўзгаришларни жаҳон хўжалигининг трансформацияси билан халқаро рақобатнинг кучайиши, капиталнинг давлатлар ва ҳудудлар орасида эркин ҳаракат қилиши, трансмиллий компаниялар фаолиятини кенгайтириш, халқаро молия-кредит муносабатларини эркинлаштириш иқтисодий глобаллашув туфайли амалга ошади. Бошқа томондан, глобаллашув ривожланган мамлакатларни, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларини ҳам жаҳон хўжалиги алоқаларига киришида бир қатор муаммоларни ҳам туғдиради. Бу муаммолар – миллий иқтисодиётнинг ташқи таъсирдан ҳимояланмаганлиги, мамлакатларнинг хорижий бозорларга чиқишдаги қийинчиликлар, ташқи транспорт ва инфорацион алоқаларнинг ривожланмаганлиги ҳамда уларнинг халқаро тизимлардан узокда жойлашганлиги, асосий экспорт товарларига жаҳон нархларининг ўзгариб туриши, глобаллашув хўжалиги фаолиятининг Марказий Осиёда атроф-муҳит ва энергетика ҳолатини салбий оқибатларга олиб келиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Қисқаси, иқтисодиётда глобаллашув тушунчаси эркин савдо, эркин капитал ва ишчи кучи оқими, ишлаб чиқариш корхоналари даромад солиғининг пасайтирилиши, меҳнат ва табиий ресурслар харажатини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш тармоқларининг давлатлараро эркин кўчиши, узлуксиз тарзда иш ҳақи, нарх ва ишлаб чиқариш даромадларининг бир-бирига тенглашиши⁷, Интернет тармоғи орқали молиявий ахборотларнинг бутун жаҳон бўйича тез тарқалиши ва ишлаб чиқариш корхоналарининг очиқлиги, молиявий биржалар аҳамиятининг ортиши, товарлар рекламасининг кўпайиши, трансмиллий компаниялар сони ва аҳамиятининг ортиши каби хусусиятларни қамраб олади.

Иқтисодиётнинг глобаллашувида пировард мақсад барча давлатларда муттасил иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлашдан иборат. Глобал режаларнинг юзага келиш тамойили сифатида эса глобаллашув халқаро иқтисодий алоқалар борасида янги қулайлик ва имкониятлар яратиш билан бир қаторда турли-туман таҳдид ва зиддиятларни ҳам келтириб чиқармоқда. Биринчидан, глобал боғлиқлик тамойиллари кучайган сайин жаҳон хўжалик тизимининг ривожланишидаги номутаносиблик тобора ортиб бормоқда. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққий этиш кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут тобора ортиб бормоқда. Иккинчидан, мамлакатлар иқтисодий ривожланиши интенсивлиги турли-туман йўналишлар, мезонлар

⁷ Коротаяев А.В., Халтурина Д.А. Современные тенденции мирового развития. -М.: Либроком, 2009.

бўйича хилма-хил тарзда намоён бўлмоқда. Учинчидан, эркин иқтисодий тартиб барпо этишда хўжалик юретишнинг жаҳон қоидаларини унификациялашга уринилмоқда, лекин бунда халқаро ташкилотларнинг ҳаракатлари муваффақиятсиз чиқмоқда. Чунки, ҳар бир давлат иқтисодий тартибга солиш, уни эркинлаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда ўзига хос восита ва услубларни қўлламоқда. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлашни тақозо этади.

Ташқи иқтисодий хавфсизлик – шартномалар ва институционал тузилишни амалга ошириш борасидаги барча халқаро шартлар мажмуаси бўлиб, унда ҳар бир жаҳон ҳамжамиятидаги аъзо давлатнинг эркин сайлаш ва ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши, ташқи босимга учрамаслиги, бошқаларнинг ички ишига аралашмаслиги, ўзаро манфаатли ва ўзаро мувофиқлик асосида жаҳондаги бошқа давлатлар билан ҳамкорлигидир. Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун қуйидагилар зарур:

- жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этиб миллий ишлаб чиқариш учун қулай шароитлар яратиш;
- жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий нохуш ҳодисалар салбий оқибатларининг миллий иқтисодий таъсирини камайтиришга эришиш. Таъкидлаш жоизки, очиқ иқтисодий шароитида ташқи таҳдидлар таъсирига бутунлай барҳам бериш имкони бўлмайди.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ташқи омилларга қуйидагилар киради:

- Экспорт таркибидаги хом-ашё товарларининг устуворлиги, анъанавий машинасозлик ва ҳарбий саноат товарлари бозорларининг йўқотилиши;

- Мамлакатнинг кўп турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, стратегик аҳамиятдаги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамлиги;

- Экспорт ва валюта назоратининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, божхона чегараларининг очиқлиги;

- Рақобатга бардошли экспортни қўллаб-қувватловчи молиявий, ташкилий ва ахборот инфратузилмаларнинг ривожланмаганлиги ва импорт таркибининг рационал эмаслиги;

- Экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатувчи транспорт инфратузилмаларининг ривож топмаганлиги;

- Тижорат ва истеъмол моллари бўйича импорт қарамлигининг ортиши;

- Иқтисодий тартибнинг ҳаддан ташқари очиқлиги;

- Миллий товарларни ички ва ташқи бозорлардан сиқиб чиқариш мақсадида чет эл капиталларини жалб қилиш;

- Экспорт товарларига нархларнинг кескин пасайиб кетиши ёки аксинча, импорт товарларига нархларнинг кескин кўтарилиб кетиши ташқи бозорга боғлиқ бўлган иқтисодий тартиб учун ўта хавфли ҳисобланади;

- Бозорларда савдо қилиш ёки маҳсулот етказиб берувчи мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи томонидан эмбарго киритилиши ҳам иқтисодий тартибга хавф туғдиради;

- Бир мамлакатдан ёки мамлакатлар гуруҳидан айрим турдаги маҳсулотларни келтиришда юқори даражадаги қарамлик, боғлиқлик. Чунки бу иқтисодий қарамликдан сиёсий жиҳатдан таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланишлари мумкин;

- Миллий иқтисодиёт учун унинг экспорти таркибида икки-уч хил товарнинг устувор ўринни эгаллаши, ҳатто экспорт ҳажмининг ярмидан кўпини ташкил этиши ўта хавfli ҳолатларни туғдириши мумкин. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, экспортнинг бундай таркиби жаҳон бозори конъюктураси ёмонлашган шароитда, уларга бўлган талабнинг камайиши оқибатида иқтисодиёт инқирозига олиб келиши мумкин;

- Мамлакат экспорт қилаётган хом-ашё ресурсларига жаҳон бозоридаги нархларнинг тушиб кетиши оқибатида унинг ташқи савдо айланмаси пасайиб кетади. Натижада валюта тушуми камаяди ва бу ҳол мамлакат учун зарур инвестиция лойиҳаларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Миллий валюта қадрининг тушиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Хом-ашё ишлаб чиқарувчи миллий корхоналарнинг иқтисодий-молиявий аҳволи ёмонлашади, ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга мажбур бўлади. Оқибатда, иш билан банд ходимлар сони қисқариб, ишсизлар сони ошади. Давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратилган маблағ кўпайиб, ижтимоий муаммолар кескинлашади. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари секинлашади ёки турғунликка, тангликка учрайди;

- Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш жараёнлари устидан назоратнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги;

- Мамлакатдан молиявий маблағларнинг катта миқдорларда чиқиб кетиши, яъни “капиталнинг қочиши” иқтисодий ҳавфсизликка жиддий таҳдиддир;

- Мамлакатнинг нафақат иқтисодий, шунингдек, сиёсий аҳволига ҳам жиддий ҳавф туғдирувчи таҳдидлардан яна бири ташқи қарзларнинг ўсиши муаммосидир. Мамлакат қарз берган йирик кредитор мамлакатларга қарам бўлиб қолади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиёт ҳавфсизлигини таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги, қолаверса, товар ва хизматлар рекламасининг мазмуни, йўналиши, тарғиб қилиш усул ва услублари жамиятдаги умумэътироф этилган меъёрларга жавоб беришга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш ва улар бўйича назорат тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008, 111-б.
2. Чумаков А.Н. Глобализация: контуры целостного мира.- М.: Проспект, 2005, с.259.
3. Коротаев А.В., Халтурина Д.А. Современные тенденции мирового развития.- М.: Либроком, 2009.
4. Шахрай С.М. Глобализация в современном мире: политико-правовые аспекты.- СПб: Фонд поддержки науки и образования в области правоохранительной деятельности.- «Университет», 2004, С.6.

5. Что такая глобализация? По сайту <http://www.univer.omsk.su/omsk/socstuds/glob/index.html>
6. Глобализация ru.wikipedia.org сайтдан олинб таржима қилинган (таржима Усманов М.)
7. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар.- Т.: Мухаррир нашриёти, 2009, 64-б.